

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Г. А. Хатамова

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси катта ўқитувчиси

Ж. Ж. Саъдуллаев

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси 5-батальон курсанти

Аннотация

Ушбу мақолада Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар ҳақида уларнинг ечимлари ҳақида

Калит сўзлар : Моддий-техника, глобаллашув, ахборот базаси, академик лицейлар, курсант.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда таълим тизимини ислох этишга катта эътибор қаратилди ва бугунги кунга келиб соҳада маълум ютуқларга эришилди. Узлуксиз таълим тизимида, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бугун амалдаги таълим тизимимиз замонавий, ривожланган давлатлар каби глобаллашув талабларига жавоб бера олаётими? Таълим тизимида ечимини қутаётган қандай муаммолар бор? Кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг глобаллашув жараёнида бозор талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, таълим



тизимида ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси тақомилига етказилмаганлиги, юксак малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, ҳозирги замон талабларига мос ўқув-услубий ва илмий адабиётларнинг камлиги, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро алоқанинг заифлиги тизимдаги камчиликлардан ҳисобланади. Шу боис мактаб, коллеж ва академик лицейларни битирган ёшларимизнинг кўпчилиги мустақил ҳаётда ўз ўрнини топа олмаяпти.

Халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ютуқларини иноватга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятини мунтазам тақомиллаштириш, таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва муҳандислик фанларини ўқитишнинг амалий тизимини жорий этиш, ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўрганишни кенгайтириш лозим. Шу билан бирга, педагог ва олимларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АКШ, Франция, Германия ва Япония моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин ушбу мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб фарқ қилади. Глобаллашув жараёнида мамлакатимиз барқарор тараққиётини таъминлашда илм-фан, янги техника-технологиялар ривожини муҳим рол ўйнайди. Қувонарлиси шуки, мамлакатимиз раҳбарияти ушбу соҳаларга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида олий таълим тизимида йўл қўйилаётган камчиликлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар аниқ келтирилган. Шу ўринда таъкидлаш жоиз бугунги кунда Ёнғин хавфсизлиги академияда ўқув жараёнини тақомиллаштириш, таълим сифатини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан,

Академияда назарий таълимни амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва муаммолар билан курсантларни яқиндан таништириш, Академияда мутахассислар тайёрлаш сифатини ҳамда ўқув жараёни



самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ёнгин хавфсизлиги хизмати раҳбар ходимларининг курсантлар билан учрашувлари доимий ўтказилиб турилади. Учрашувлар Академия курсантларини соҳада бўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликларни англаши ва улар билан танишиб боришида ўз самарасини бермоқда.

Ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш мақсадида, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Туркия, Россия ҳамда Беларусия каби давлатларнинг турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Академия профессор-ўқитувчилари ва курсантлар билан республикаимиз ҳамда хорижий давлатларнинг олимлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Келгусида, ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, мамлакатимизга хос хусусиятлар, қадриятлар, шароитлар иноватга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан модернизация қилишимиз лозим. Ҳозир олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан хорижий давлатлардан профессор-ўқитувчиларни Ўзбекистонга таклиф этиб, дарс машғулотларига жалб этиш, маъруза ўқитиш, бакалавр ва магистр дастурларини ривожланган мамлакатлардаги ўқув дастурларига яқинлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг дарсликлари, ўқув стандартлари тажриба сифатида қўлланилмоқда. Бу албатта, яхши ташаббус ва шу йўналишдаги ишларни янада ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, Академияда курсантларнинг хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириши учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадда қўшимча инглиз ва рус тили курслари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда самарали фаолият юритиб келмоқда.

Доимий равишда Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда курсантлари ўртасида “Энг яхши китобхон”, “Энг яхши иншо”, “Заковат”, “Қувноқлар ва зукколар” каби маънавий-маърифий тадбирлар, танловлар ва спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Бу эса Академия жамоасининг жипслашиши, дўстона рақобат муҳитининг шаклланиши, энг муҳими курсантларнинг билими, дунёқарашининг ўсиши ва маънавий-маърифий юксалишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Олий таълим муассасаларида таълимни ривожлантиришда илғор мамлакатларнинг олий ўқув даргоҳлари билан халқаро илмий-педагогик



алоқаларни ривожлантириш, халқаро таълим дастурларида иштирок этиш, халқаро лойиҳа ва дастурларда қатнашиш учун буюртмалар бериш, мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга қўшилишини фаоллаштириш мақсадида олимлар ва педагоглар билан ўзаро фикр алмашинув жараёнини кучайтириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ёшлар энг катта бойлигимиз, келажагимиз эгаси ва куч-қудрати, давлатимиз таянчи, миллатимиз ишончи, аждодларимизга хос интеллектуал салоҳият ва маданият эгаси бўлиши лозим. Бугунги кун инновацион технологияларини илм-фан ва таълим соҳасида муваффақиятли қўлланилса, янги ёш авлод ана шу жаҳон тажрибаси асосида сабоқ олиб, улғайса, давлатимизнинг эртанги истикболи ва келажаги ёрқин бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Пармонов, А. А. Chet tilni o'rganishda axborot texnologiyalarining ahamiyati
2. Апатова Н.В. Информационные технологии в школьном образовании. – М.: Изд-во РАО, 1994. – 143 с.
3. Громов Г.Р. Очерки информационной технологии. – М.: ИнфоАрт, 1993. – 336с.
4. Aripova, A., Khodjayeva, K., & Yuldasheva, N. (2020). METHODS, ASPECTS AND COMPONENTS OF TEACHING THE UZBEK (RUSSIAN) LANGUAGE AS A FOREIGN LANGUAGE ON THE EXPERIENCE OF FOREIGN STUDENTS. Journal of Critical Reviews, 7(4), 393-398.

